
“Сўнгни қўнғироқ”

2023-2024 ўқув йили яқунланиши муносабати билан 1-Давлат ихтисослашган умумтаълим мактаб-интернатида ҳам “Сўнгни қўнғироқ” тадбири бўлиб ўтди.

Тадбирда туман ҳокими иштирок этиб, Давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиздаги умумтаълим мактаблари битирувчиларига йўллаган табригини ўқиб эшиттирди.

Тадбир давомида шу мактаб-интернатнинг 10-синф ўқувчиси Шавкатжонов Нозимжон Турсунали ўғли олимпиадада физика фанидан иштирок этиб, вилоятда 1-ўринни, Республикада фахрли ўринларни эгаллаганлиги, шунингдек 9-синф ўқувчилари Ҳатамқулов Абдуллоҳ Илхомжон ўғли, Каримов Яҳёбек Нодиржон ўғли Болалар Омбудсмани ташаббуси билан ўтказилган олимпиаданинг аниқ фанлар математика йўналиши бўйича Вилоят босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаганликлари муносабати билан туман ҳокимининг эсдалик совғалари ва ташаккурномаси тантанали топширилди.

Шунингдек, ўқув йилида юқори натижаларга эришган ўқувчилар ҳамда устоз-мураббийлар эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

2024-05-25 18:30:04